

## ФИНЛАНДИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари,  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент О.А.Қўйсиров

**Анотация:** Мақолада Финландия ва Ўзбекистонда технология фанини ўқитиш мақсади ва вазифалари, ўқув мақсадларини шакллантиришда эътиборга олинган компонентлар ҳамда компетенцияларни ривожлантириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** технология, қиёсий таҳлил, мақсад, вазифа, компетенция, баҳолаш, кўникмалар, даражалар, техник объект ва жараёнлар, меҳнат таълими ва малакалари.

**Аннотация:** В статье описаны цели и задачи технологии обучения в Финляндии и Узбекистане, компоненты, которые необходимо учитывать при формировании образовательных целей и развитии компетенций.

**Ключевые слова:** технология, сравнительный анализ, цель, задача, компетенция, оценка, навыки, уровни, технический объект и процессы, трудовое образование и навыки.

**Annotation:** The article describes the goals and objectives of teaching technology in Finland and Uzbekistan, the components to be taken into account in the formation of educational goals and the development of competencies.

**Keywords:** technology, comparative analysis, purpose, task, competence, assessment, skills, levels, technical object and processes, labor education and skills.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга технология фанидан таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг таракқий этган саноат-технологик локомотивлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг саноат ва технологик тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Жаҳон таълим тизимида фан ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омилдир. Юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълимда инновациялар, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этиш ўқувчиларнинг мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошира оладиган қобилиятларини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Шу сабабли амалий фанларни ўқитишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда ўзаро қиёсий таҳлил қилган ҳолда хулосалар чиқариш яқунда таълимда инновацион ёндошув қарашларни шакллантиришга турки бўлади.

Жумладан Финландия давлатида ва Ўзбекистонда технология фани ўқитилишини таҳлил қилсак.

<b>ФИНЛАНДИЯ</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН</b>
<b>1. Технология фани мақсади</b>	
<p>Технология (меҳнат) курсининг мақсади ўқувчиларга хунармандчилик жараёнида раҳбарлик қилиш ва ёрдам беришдир. Технология - бу турли хил материаллардан фойдаланиладиган фан бўлиб, вазифалар хунармандчилик, дизайн, технологик ёндашув тамойиллари билан белгиланади. Ушбу фаолият шунингдек, яқиний маҳсулотни алоҳида ёки жамоада лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни ҳамда жараёни баҳолашни ўз ичига олади. Хунармандчилик тадқиқот, ихтиро ва экспериментал фаолиятга тегишли бўлиб, унда турли хил визуал, моддий ва техник ечимларга ижодий ёндашув ишлаб чиқилади.</p>	<p>Технология фани мақсади ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни кадрлашга, уларнинг аҳамиятини тушунишга ўргатиш, онгли равишда касб танлашга тайёрлаш орқали касбга тайёргарликларини амалга ошириш ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифат ва тафаккурларини ривожлантиришдан иборат.</p>
<b>2. Технология фани вазифалари</b>	
<p>мактабда ва кундалик ҳаётда олган билим ва кўникмаларидан фойдаланган ҳолда тушуниш, натижаларни баҳолаш ва турли хил технологик ечимларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ўқувчилар моторли кўникмалар, ижодкорлик ва дизайн қобилиятларини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган фазовий фикрлаш, таъсир кўрсатиш ва қўл меҳнатига асосланган ишлаш қобилиятларини яхшилайдилар. Фаннинг мазмуни турли хил иш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Мавзунинг мазмуни меҳнатсеварлик ва экспериментал фаолиятни таъминлашда ва ўз кадр-қимматини оширади, ижобий тажрибаларни яратишда мамнунлик ҳиссини келтиради. Фан ўқувчиларнинг турли хил қизиқишларини ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган. Тақдим этилган мавзулар табиий фанларро алоқаларни яратиш учун комплекс равишда ўрганилади. Атрофдаги моддий дунё ҳақида олинган билимлар барқарор ривожланиш ва мустаҳкам турмуш тарзига асос яратади. Дастурнинг мазмуни, шунингдек, маҳаллий хунармандчилик, маҳаллий маданий мерос ва жамоанинг маданий хилма-хиллигини муҳокама қилишни ўз ичига олади. Дастурни ўқитиш</p>	<p>турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига тааллуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш, ўлчаш-текшириш асбобларидан, маълумот манбаларидан фойдалана олиш, меҳнат амалиётларини бажариш, эришилган меҳнат натижаларни белгиланган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш; турли соҳаларида ишлатиладиган техника ва технологиялар тўғрисида билимлар бериш, инсон фаолиятининг турли соҳалари билан амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш; механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни, технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини; ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарув (менежерлик) унсурлари, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириб бориш; ўқувчилар билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;</p>

<p>ва ўрганиш ўқувчини ахлоқий кадриятларни қабул қилишга ва билимли, фаол, меҳнатсевар ва тадбиркор фуқарога айланишига йўналтиради. Шунингдек, ўз маҳоратини ифода этишнинг маъноси ва усуллари тушунишга эришилади; ҳунармандчилик маданиятини сақлаш ва ривожлантириш истаги рағбатлантирилади.</p>	<p>халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий кадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарининг бой меросини ўргатиш, улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш; янги ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари, янги техника ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш; турли соҳаларга оид касбий фаолият турларида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш; ўқувчиларда умуммеҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг қизиқиши, қобилияти, касбий мойилликларига кўра, касб-ҳунар турларини танлашга асос бўладиган сифатларни, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.</p>
---	---

Технология фанини ўқитиш мақсад ва вазифалари таҳлилидан кўриниб турибдики, Финландияда технология фани ўқувчиларни кўпроқ ҳаётга тайёрлашга ҳамда уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ижодкорликка йўналтирилган таълим сифатида қаралганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда эса технология фанини ўқитишда ўқувчиларда кўпроқ компетенцияларни шакллантиришга ҳамда касбга йўналтириш орқали ватанправарлик ҳислатларини таркиб топтиришга қаратилган.

**Финландияда технология фанидан ўқув мақсадларини шакллантиришда куйидаги компонентлар ва ўзаро боғлиқликка эътибор берилишини кўришимиз мумкин:**

**7-9 синфлар учун "Технология" (меҳнат) курсининг ўқув мақсадларига мос келадиган асосий тематик бўлимлар**

Ўқувчиларга ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида кўп қиррали тажриба орттириш ва турли ҳунармандчилик маҳоратларини ўрганишга имкон беради. Асосий компетенциялар турли хил ўқув материалларини бирлаштирган изчил ўқув топшириқларини шакллантириш мақсадида фойдаланилади.

**С1 Ғояларни шакллантириш:** ўқувчилар меҳнат қилиш концепцияси, хусусиятлари ва белгиларидан фойдаланган ҳолда ижодий ва инновацион маҳсулотларни лойиҳалаш бўйича топшириқларни бажарадилар. Улар ўз лойиҳаларини амалга оширадилар, ўзларини намоён этишни ривожлантириб

борадилар, хунармандчилик жараёнининг турли босқичларида ўзларини баҳолаш ва ўзаро баҳолашни амалга оширадилар.

**С2 Дизайн:** ўқувчилар уй-жой, транспорт ва кийим-кечакнинг ижтимоий, маданий ва технологик ривожланиши билан танишадилар. Лойиҳаларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва амалга оширишда ўқувчилар маҳаллий анъаналар ва имкониятлардан, шунингдек ўтмиш, ҳозирги ва турли маданиятларнинг анъаналаридан фойдаланадилар.

**С3 Тажриба:** ўқувчилар материалларни ўзгартириш, бирлаштириш ва қайта ишлашнинг турли усуллари амалда қўллайдилар ва турли хил анъанавий, янги материаллар ва ишлаб чиқариш усулларидан ижодий ҳамда ишончли фойдаланадилар. Ўрнатилган тизимлар меҳнатда қўлланилади, яъни дастурлаш, лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришда қўлланилади.

**С4 Таъриф ва баҳолаш:** Маҳсулотларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнида ўқувчилар турли хил усуллар билан тақдим этилган имкониятлар билан танишадилар. Улар маҳсулотларнинг дизайни ва фойдаланишга яроқлилигини таҳлил қиладилар. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида барча ишлаб чиқариш жараёнини ҳужжатлаштириш амалга оширилади.

**С5 Ишлаб чиқариш:** ўқувчилар экологик ва ахлоқий жиҳатдан барқарор бўлган турли хил юқори сифатли ва функционал маҳсулотлар ёки қисмларни ишлаб чиқарадилар. Улар хунармандчилик асбоблари, машиналари ва жиҳозларидан ҳар хил ва мос равишда фойдаланадилар.

**С6 Меҳнат хавфсизлиги:** ўқувчилар меҳнат хавфсизлиги билан танишадилар, ишнинг бир қисми сифатидаги ишнинг хавфли ва хавф келтирувчи омилларини кузатадилар ва баҳолайдилар. Улар хавфсиз равишда ишлайдилар.

**С7 Тадбиркорлик фаолияти:** ўқувчилар тадбиркорлик фаолияти, ишбилармонлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда кўргазмали, виртуал ва ўқув сафари ёки иш сафари орқали танишадилар. Хунармандчилик маҳоратининг меҳнат фаолияти учун аҳамияти ҳам ҳисобга олинади. Маданият муассасаларининг таклифлари ҳам ғоя манбаи сифатида қўлланилади.

**С8 Хабардорлик ва иштирок этиш:** ўқувчилар хунармандчилик ва улардан яратилган маҳсулотларнинг турли хил таъсирини шахслар, жамият ва атроф-муҳит нуктаи назаридан ўрганадилар. Улар хунармандчиликни фаровонликни ошириш ва кундалик ҳаётда барқарор ривожланиш воситаси деб билишади. Улар ўз амалиётини иштирок ва мулоқот орқали синайдилар.

**7-9 синфлар учун "Технология (меҳнат)" курсининг ўқув мақсадлари**

Ўқув мақсадлари	Мақсадларга оид компетенциялар	Ўзаро боғлиқлик
О1 ўқувчини ўз ишини режалаштиришга, доимий изланишлар ва тадқиқотлар, ғояларни ишлаб чиқишга йўналтириш	С2 - С5	Т2, Т3

О2 ўқувчини меҳнат бўйича таълим олиши ва фаолиятига мақсадлар қўйишига, шу мақсадлар асосида меҳнатнинг барча жараёнларининг амалга оширилишига ва баҳолашга кўмаклашиш	C1 - C5	T1
О3 ўқувчини турли асбоблар, жиҳозлар, материаллар, керакли фаолият амалиётлари билан танишишига, уларни турлича қўллаш, янги ғояларни яратиш ва ишлаб чиқишига кўмаклашиш	C1 - C5	T4, T6
О4 ўқувчини меҳнатнинг белгилари, атамалари, тушунчаларидан эркин фойдаланиш, ўзининг визуал, материал, техник ифодасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш	C1 - C5	T2, T4
О5 ўқувчини иш фаолияти билан боғлиқ хавф омилларини олдиндан сеза олиш, англаш, уларга муносабат билдириш, ишлаб чиқариш жараёнида хавфсиз ҳаракатланишига кўмаклашиш	C6	T3, T6
О6 ўқувчини лойиҳалаштиришда, ишлаб чиқаришда, ва ишлаб чиқариш жараёнини ҳужжатлаштиришда, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан, жамоавий маълумотлардан фойдаланишга кўмаклашиш	C1 - C5	T5
О7 ўқувчини ҳаётида, жамиятда, тадбиркорликда ва меҳнат фаолиятида касб, маҳорат кўникмалари ва технологик ривожланишнинг аҳамиятларини англашига кўмаклашиш	C7	T6
О8 ўқувчини барқарор турмуш тарзини шакллантириши учун иқтисодий фикрлашга, меҳнат жараёнида танлаш имконига кўмаклашиш	C8	T1, T4, T7

**7-9 синфлар учун "Технология (меҳнат)" курси доирасида ўқув натижаларини баҳолаш:** Ўқишни баҳолаш рағбатлантиради ва илҳом бахш этади. Баҳолаш тўлиқ меҳнат жараёнига, унинг мақсадлари ва мезонларига, шунингдек бутун ўқув жараёнини доимий баҳолаш ва ҳужжатлаштиришга асосланади, ўқувчилар баҳолаш мезонларини билишлари керак. Меҳнат жараёнининг турли босқичларида ҳужжатлаштириш баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилади, ўқувчилар ўзларининг ривожланиши ва маҳоратлари тўғрисида чуқур мулоҳазалар олишади. Баҳолаш ҳунармандчиликнинг турли кўникмаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди, ўқувчиларга ўзларининг ютуқларини намоён қилиш учун турли хил имкониятлар беради, кучли томонларини сақлаб қолиш ҳамда ривожланиш қобилиятларини бошқариш учун рағбатлантиради. Ўқувчилар ўзларининг билимлари ҳамда ўзаро баҳолашда турли усулларни таклиф қилишади. Фикр-мулоҳазалар ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, у ҳам ўқитувчига иш услублари ва қўлланилган ёндашувлар ҳақида фикр-мулоҳазалар олиш имкониятини беради.

Яқуний баҳолаш ўқувчи асосий мавзуни ўрганишни яқунлаган йили амалга оширилади. Яқуний баҳолаш курсни тугатишда ўқувчининг "Технология (меҳнат)" курсининг мақсадларига қандай даражада эришганлигини акс эттиради. Яқуний баҳо маълум бир ўқувчининг тайёргарлиги даражасини технология (меҳнат) бўйича яқуний баҳолашнинг миллий мезонлари билан таққослаш асосида тузилади. Турли мавзулар бўйича билим ва кўникмалар кумулятив равишда ривожланади. Яқуний баҳолашнинг барча миллий мезонлари маҳаллий ўқув дастурлари мезонларидан қатъий назар ҳисобга олинади. Ўқувчи тилни билишнинг миллий мезонга жавоб берадиган ўртача даражасини намоён қилса, унга 8 балл қўйилади. Баъзи жиҳатлардаги муваффақият бошқаларидаги бўшлиқни қоплаши мумкин.

**7-9 синфлар учун "Технология (меҳнат)" курси дастурини ўзлаштириш натижалари асосида (8 балл тизими бўйича) билим ва кўникмалар даражасини яқуний баҳолаш мезонлари**

Ўқув мақсадлари	Компетенциялар	Мавзунини баҳолаш мақсадлари	8 баллга мос келадиган билим ва кўникмалар
O1 ўқувчини ўз ишини режалаштиришга, доимий изланишлар ва тадқиқотлар, ғояларни ишлаб чиқишга йўналтириш	C2 - C5	Ижод ва иш	Ўқувчи ўз ишини режалаштиради, ўзининг иши учун танловни ва қарорини излашга қодир
O2 ўқувчини меҳнат бўйича таълим олиши ва фаолиятига мақсадлар қўйишига, шу мақсадлар асосида меҳнатнинг барча жараёнларининг амалга оширилишига ва баҳолашга кўмаклашиш	C1 - C5	Меҳнат жараёнининг тўлиқ амалга оширилиши	Ўқувчи ўз иши учун мақсадлар қўйишига, ҳунармандчилик босқичларига биноан ишлаш, меҳнат жараёнидаги ўрганишларини ҳаққоний баҳолаб ишлашга қодир
O3 ўқувчини турли асбоблар, жиҳозлар, материаллар, керакли фаолият амалиётлари билан танишишига, уларни турлича қўллаш, янги ғояларни яратиш ва ишлаб чиқишига кўмаклашиш	C1 - C5	Техника ва иш услублари, ишлаб чиқариш	Ўқувчи техника, иш услублари, зарур бўлган материалларни танлаб олиш, уларни маҳсулот ёки бирор буюм ишлаб чиқаришда ишлатишни билади
O4 ўқувчини меҳнатнинг белгилари, атамалари, тушунчаларидан эркин фойдаланиш, ўзининг визуал, материал, техник ифодасини мустақамлашга кўмаклашиш	C1 - C5	Визуал, материал, технологик ифода этиш	Ўқувчи меҳнатнинг асосий тушунчаларидан фойдаланиш, ўз ғояларини аниқ ифода этиш, уларни эстетика ва функционаллиқни инобатга олган ҳолда режага мувофиқ амалга оширишга эга
O5 ўқувчини иш фаолияти билан боғлиқ хавф омилларини олдиндан сеза олиш, англаш, уларга муносабат билдириш, ишлаб чиқариш жараёнида хавфсиз ҳаракатланишига кўмаклашиш	C6	Хавфсиз иш	Ўқувчи ишнинг хавфи ва хавф келтирувчи омилларини баҳолаш, ишлаб чиқариш жараёни давомида хавфсиз фаолият олиб боришни билади
O6 ўқувчини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқаришда, ва ишлаб чиқариш жараёнини ҳужжатлаштиришда, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан, жамоавий маълумотлардан фойдаланишга кўмаклашиш	C1 - C5	АКТ компетенциялари, ҳамкорлик кўникмалари	Ўқувчи ўзининг ёки гуруҳ ҳунармандчилиги жараёнида ишлаб чиқариш, ҳужжатлаштириш, қайта ишлаш, АКТни мустақил ва ҳамкорликда қўллаш олишни билади

О7 ўқувчини ҳаётида, жамиятда, тадбиркорликда ва меҳнат фаолиятида касб, маҳорат кўникмалари ва технологик ривожланишнинг аҳамиятларини англашига кўмаклашиш	С7	Жамият ва кундалик турмушда маҳорат ва ҳунарларнинг аҳмиятини англаш	Ўқувчи мисоллар ёрдамида жамият ва кундалик турмушда маҳорат ва ҳунарларнинг аҳмиятини ифода эта олади
О8 ўқувчини барқарор турмуш тарзини шакллантириши учун иқтисодий фикрлашга, меҳнат жараёнида танлаш имконига кўмаклашиш	С8	Танлов ва уни асослаш	Ўқувчи барқарор турмуш тарзи учун ҳунарнинг аҳмиятини тушунтириш, асослаб беришга қодир; ўз фаолиятида мустақил танловни амалга ошира олади

**Ўзбекистонда.** Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг технология фанини ўзлаштириш босқичлари:

Таълим босқичи	Битирувчилар	Умумевропа халқаро стандарти даражалари	Даража номланиши
Умумий ўрта таълим	Бошланғич синф (4-синф)	A 1	Меҳнат таълими фанининг бошланғич даражаси
	9-синф битирувчилари	A 2	Меҳнат таълими фанининг таянч даражаси
	Меҳнат таълими фанини чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари	A 2 +	Меҳнат таълими фанининг кучайтирилган даражаси

Технология ўқув фанини ўрганиш босқичлари ва фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларда фанга оид қуйидаги 3 та умумий компетенциялар шакллантирилиши белгиланган:

1. **ФК1**-Буюм ва маҳсулот турларини, уларни тайёрлаш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш компетенцияси:

2. **ФК2**-Психомотор, функционал ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги операцион компетенция:

3. **ФК3**-Тўғри ва онгли касб танлаш, ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияси: Ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги 6 та таянч компетенциялар шакллантирилиши белгиланди.

Умумий ўрта таълим мактаблари технология фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид қўйиладиган таянч компетенциялар ишлаб чиқилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, умумий

ўрта таълим мактаблари ўқувчилари технология фанини ўзлаштириш жараёнида қуйидаги таянч компетенцияларга эга бўлишлари белгиланган.

### **1. Коммуникатив компетенция:**

- технология фанига оид атамаларни мулоқот жараёнида қўллаш олиш;
- тайёрланадиган буюм кўринишини содда баён қилиш;
- мавзу бўйича саволлар бериш ҳамда саволларга жавоб бериш;
- мулоқотда муомала одобига риоя қилиш, суҳбатдошининг фикрини тинглаш
- олиш, ўз фикрини тушунтира билиш.
- мактабда, кўчада, уйдаги турли вазиятларда ўзини тута олиш мулоқотга киришишда муомала маданиятига риоя қилиш;
- олган билимлари асосида мустақил фикр юритиш;
- ясалган буюмларга мустақил равишда муносабат билдириш.
- технология фанига оид атамаларни хорижий тиллардан ифода қилиш, ўз дўстлари билан техника тилида мулоқотга кириш олиш;
- мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлаш олиш.
- технология фанига оид суҳбат жараёнида суҳбатдош фикрини таҳлил қилган ҳолда ўз позитсиясини ҳимоя қилиш ва унга ишонтириш;
- турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, келишмовчиликлар одилонга, ҳаққоний ва ижобий ёндашган ҳолда муносабат билдириш ва зарур бўлган қарорларни қабул қилиш.

### **2. АКТ ва электрон ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш компетенция:**

- технология фанига оид телевизор, радиода берилган эшиттиришларни кўриш, ўрганилган иш усулларини бажариш, журнал ва газеталарда берилган маълумотларни технология фанига оид атамаларни топишда медиа воситалардан фойдаланиб, дидактик топшириқларни бажариш ахборот манбаларидан (телевизор, радио, аудио-видео ёзув, телефон) фойдалана олиш;
- файлларни очишда медиа-маданиятга риоя қилиш.
- мавжуд ахборот манбаларидан (интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта орқали хабар жўнатиш) фойдалана олиш;
- медиа воситалардан технология фанини ўрганишга оид зарур бўлган ахборотларни излаб топиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлашда хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш.
- кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлаш олиш, технологик харита ва схемаларга оид манбаларни қидириб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, татбиқ қилиш.

### **3. Ўз-ўзини ривожлантириш, ўз устида ишлаш компетенция:**

- технология фанини ўрганиш;



- амалий ишни бажаришда тозалikka риюя қилиш, катталарни гапига кулоқ тутиш, “Моҳир қўллар” тўгарагида фанларни ўқиб-ўрганиш, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, ҳурмат қилиш каби сифатларга эга бўлиш;

- тўғри сўз бўлиш, ўртоқларининг хатосини туш унтириш, катталарга, кичикларга, ўртоқларига ёрдам бериш, ўқиб-ўрганиш орқали билимини ошириб бориш.

**A1+** технология фанига оид турли йўналишдаги китобларни мунтазам ўқиш ва ўрганиш;

- ўзини хато ва камчилигини тўғри тушуниш, хатоларини тузатишга ҳаракат қилиш, ўзини назорат қилиш.

**A2** технология фанини йўналишлар бўйича чуқурроқ ўрганиш, йўналишларни бугунги кун талаби бўйича ўз ихтироларини олиб кириш, ҳар бир буюмни тайёлашда дизайнер-моделерлик касби бўйича ёндаша олиш, шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш;

- гуруҳларда ишлашда маъсулиятни ўзига олиш, лидер бўла олиш, турли муаммолар вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш;

- конституцион ҳуқуқ ва бурчларидан тўғри фойдалана олиш;

- жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш.

**A2+** шахс сифатида ўз қизиқишларига қараб, қобилиятларини намоён қила олиш, онгли касб танлаш, ҳалоллик, тўғрилиқ каби инсоний фазилатларга эга бўлиш.

#### **4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенция:**

**A1** ўзининг ўқувчилик бурчи ва вазифаларини билиш, унга риюя қилиш, синфда ва оилада ўз ўрнига эга бўлиш;

- ўзидан катталарга, ўртоқлари ва ўзидан кичикларга ёрдам бериш, мактабдаги ва мактабдан ташқари тадбирларда иштирок этиш ва муомала маданиятга амал қилиш;

- каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш каби сифатларга эга бўлиш, оиладаги ўз ўрнини ҳамда вазифаларини англай олиш; мактаб бинноси, синфдаги жиҳозлар.

**A1+** мебелларни асраб-авайлаш фарзандлик ва ўқувчилик бурчинини билиш, унга амал қилиш;

- ўзининг ёшига нисбатан қандай ҳуқуқлари борлигини билиш, синфдаги жиҳозлар, ўқув қуролларини асраб-авайлаш;

- мактабда, оилада, турар жойида бўлаётган жараёнларда (турли тадбирлар, шанбалиқ ва ҳ.к.) иштирок этиш.

**A2** соғлом эътиқод ва дунёқараш тушунчаларини билиш;

- жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, ўз муносабатини билдириш;

- касбларнинг моҳиятини тушуниш ва онгли равишда танлаш.

**A2+** Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини билиш ва унга амал қилиш.

#### **5. Миллий ва умуммаданий компетенция:**

A1 ораста кийиниш ва доимо шунга амал қилиш, дўстларига, яқинлари ва атрофдагиларга меҳрибон бўлиш, ораста кийиниш, юриш-туришда катталардан ўрнак олиш, ўз уйи, мактаби, турар маҳалласини қадрлаш;

- озодаликка риоя қилиш, миллий байрамларини билиш, ўқувчининг одоб-ахлоқ қоидалари тушунчага эга бўлиш, ўзи яшаб турган диёрдаги тарихий обидаларни билиш.

A1+ санъат турларини билиш ва уларни бир-биридан фарқлай олиш, санъат асарларини таҳлил қилиш, мактабнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

- яхши ва ёмон одатларни бир-биридан фарқлай олиш, зиёрат қилиш одобига амал қилиш, миллий қадриятларни (миллий-маданий анъаналар, байрамлар, сайиллар) билиш.

A2 халқ хунармандчилиги йўналишларида уларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини ўрганиш, авайлаб асраш, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш.

A2+ халқ хунармандчилиги йўналишларида уларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини ўрганиш, авайлаб асраш, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;

- умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

## **6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенция:**

A1 оиласида нечта одам борлиги, ким катта, ким кичиклигини билиш, мактабга келиб кетадиган вақтни билиш;

- кундалик режаларини туза олиш; кундалик фаолиятда турли чизмаларни чиза олиш, мамлакатимиздаги байрам кунларини билиш;

- исроф ва тежамкорликнинг маъносини тушуниш ва кундалик ҳаётда унга амал қилиш.

A1+ дарс жараёнида зарур бўладиган ўқув қуроллари, хомашёлардан

- тежамкорликка риоя қилган ҳолда фойдаланиш, бир кунлик харажатларини ҳисоблашни билиш;

- техника турлари ва уларни қачон пайдо бўлганлигини билиш.

A2 инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

A2+ мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига тутган ўрни ва тарихий шаклланиш даври ҳақида айтиб бера олиш, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги барча соҳаларда ўсиш суръатларини билиш;

кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизмаларни ўқий олиш ва фойдалана олиш.

Демак, Финландия ва Ўзбекистонда технология фанини ўқитишда ўқув мақсадларини белгилашда таълим олувчиларнинг техник тафаккурини ҳамда технологик кўникмаларини шакллантиришга ҳамда ҳаётга қўллаш малакаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилар экан. Айниқса Финландия таълим тизимида технология фанини таълим олувчиларни ҳаётга

тайёрлашда устувор фан сифатида эътибор берилиши ҳамда ўқувчиларнинг ижодкорликка йўналтирилган таълим тизимида таҳсил олишлари мамлакат ишлаб чиқариши учун етакчи кадрлар тайёрлаш омили сифатида қаралиши эътиборга молик. Шундай экан Ўзбекистонда ҳам технология фанини хаётга боғлаш ҳамда таълим олувчиларда креатив фикрлайдиган, ўз олдига муҳим хаётий позициясини мустақил қўяладиган кадрлар тайёрлаш нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ташкиллаштириш ҳамда таълим тараққиётини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. «Умумий ўрта (таянч) таълим давлат мажбурий таълим дастури». Финляндия миллий таълим агентлиги. Нашр 2016:5. ISBN 978-952-13-6004-6. Макет: Grano Oy. Таржима: Lingsoft Oy. [www.opf.fi](http://www.opf.fi). Печать: Next Print Oy, Helsinki 2016.
2. Ўзбекистон республикаси мажбурий таълим тизимининг давлат таълим стандарти. (меҳнат таълими фани бўйича мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар). Лойиҳа. 2016 йил.
3. Қўйсинов О.А., Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. Т.: «Фан», 2009. - 92 б.